


Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**  
№ 74-15 “29” октябрь 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
биринчи ўринбосари  
Б. Э. Захидов



**“ИПОТЕКА-БАНК”**  
**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ**  
**УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

2020 йил 30 сентябрда ўтказилган  
“Ипотека-банк” АТИБ  
акциядорларининг навбатдаги  
умумий йиғилишида  
**ТАСДИҚЛАНГАН**  
(2020 йил 07 октябрда тузилган  
33 - сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгаши Раиси



А. Пиккер

**ТОШКЕНТ – 2020 йил**



## **“Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар**

### **1. 7.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“7.1. Банк оддий акциялар чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақли. Банк имтиёзли акциялар чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақли эмас.”.

### **2. 8.6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“8.6. Банкнинг имтиёзли акцияси акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермайди, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган айрим масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Имтиёзли акциялар унинг эгасига Банк тугатилган тақдирда имтиёзли акция учун белгиланган тугатиш қиймати маблағини оддий акция эгаларидан олдин олиш ҳуқуқини беради.”.

### **3. 8.7 ва 8.8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

### **4. 11.9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“11.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2) Банкни қайта ташкил этиш;

3) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банкнинг устав капиталини камайтириш;

7) қонунчиликда белгиланган тартибда ўз акцияларини олиш;

8) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

11) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12) Банк кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорларини белгилаш;

13) Банк кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

14) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарори қабул қилиш;

15) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

16) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

17) баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил



этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш ва аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

18) банк Бошқарувининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиш;

19) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.”.

#### **5. 11.10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“11.10. Мазкур Уставнинг 11.9-бандига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк кенгаши ва Банк бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.”.

#### **6. 11.11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

#### **7. 11.47-банднинг 8-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“8) Банк ижроия органини (Банк бошқарувини) тузиш, унинг раҳбарини ва аъзоларини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;”.

#### **8. 11.47-банд қуйидаги мазмундаги 46 ва 47-кичик бандлар билан тўлдирилмоқда:**

“46) Банк стратегияси ва бюджетини назорат қилиш ва маъқуллаш;

47) Банкнинг ички назорат, ички аудит ва рискларни бошқариш хизматлари фаолиятини мониторинг қилиш;”.

#### **9. 11.49-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:**

“Банк кенгаши таркибига сайланган аъзоларнинг камида беш нафари халқаро банк фаолиятида тажрибага эга бўлган мустақил аъзо мақомига эга бўлиши лозим.”.

#### **10. 11.49<sup>3</sup>-банд қуйидаги мазмундаги 3 ва 4-кичик бандлар билан тўлдирилсин:**

“3) шахс ёки унинг яқин қариндоши раҳбар лавозимидаги давлат хизматчиси ёки сиёсат арбоби (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий, суд, ҳарбий, сиёсий партия, мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат мулки асосида ташкил этилган юридик шахс ва ҳоказо) бўлса;

4) бундай шахс банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган талаб ва тартибларга риоя қилмаса.”.

#### **11. 11.54-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“11.54. Банк кенгашининг раиси Банк кенгаши аъзолари томонидан Банк кенгашининг мустақил аъзоси мақомига эга бўлган аъзолари орасидан Банк кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.”.

#### **12. 11.62 -банднинг 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“11.62. Банк бошқаруви аъзоларининг чекланган сони 7 (етти) киши бўлиб, Банк кенгаши томонидан сайланади.”.



**13. 11.63-банд қуйидаги мазмундаги 16-кичик банд билан тўлдирилсин:**

“16) Банк ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини ва миқдорини белгилаш. Шу жумладан, банк ходимларини йил якунлари бўйича мукофотлашни белгиланган фонд доирасида амалга ошириш бўйича мустақил равишда қарор қабул қилиш.”.

**14. 11.67-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

**“Ипотека-банк” АТИБ  
Бошқаруви Раиси**



**Ш. Атабаев**